ЖУНАЙДУЛЛОҲ ИСЛОМШАЙХ ЎҒЛИ ҲОЗИҚНИНГ ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Сайфиддин РАФИДДИНОВ
доцент
филология фанлари номзоди
Ўзбекистон Фанлар Академияси Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

XIX аср ўзбек адабиёти тарихида Жунайдуллоҳ Исломшайх ўғли, (тахаллуси Ҳозиқ)нинг алоҳида ўрни бор. Бу зуллисонайн шоир ва моҳир таржимоннинг ҳаёти ўзига хос зиддиятлар билан ўтган. Ҳақ сўз айтгани ва адолатпешалиги учун Бухоро амири Насрулло тарафидан фожиали ўлим топган. Ушбу мақолада Ҳозиқнинг ҳаёти билан боғлиқ воқеалар баён қилинади.

Таянч сўзлар: Ҳозиқ, Амир Насрулло, Бухоро, Юсуф ва Зулайхо, шоир, шеър, Қўқон, амир, Хоразм, куллиёт, тасаввуф, сарой, девон, қўлёзма.

АНАЛИЗ ЖИЗНЕДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДЖУНАЙДУЛЛОХА ИСЛОМШАЙХ ОГЛЫ ХОЗИКА

Сайфиддин РАФИДДИНОВ
доцент
кандидат филологических наук
Институт узбекского языка,
литературы и фольклора АН РУз
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В истории узбекской литературы XIX века Джунадуллох Исломшайх оглы (псевд. Хозик) занимает особое место. Жизнь поэта, который писал на двух языках и являлся опытным переводчиком, была полна различными противоречий. За то, что прямо говорил правду, всегда боролся за справедливость, был казнен эмиром Бухары Насруллой. В этой статье рассказывается о событиях, связанных с жизнедеятельностью Хозика.

Ключевые слова: Хозик, Эмир Насрулло, Бухара, Юсуф и Зулейха, поэт, стихотворение, Коканд, эмир, Хорезм, трактаты, суфизм, дворец, диван, рукопись.

Ҳозиқ XIX аср ўзбек адабиётининг истеъдодли шоир ва таржимонларидан биридир. Жунайдуллоҳ Исломшайх ўғли, (тахаллуси

Ҳозиқ) тахминан XVIII асрнинг охирларида туғилиб, 1843–1844 йилларда Бухоро хони амир Насруллоҳ томонидан Шаҳрисабзда (ҳозирги Китоб туманида) қатл этилган.

Жунайдулло Ҳозиқ 1793–1800 йилларда Бухорога келган ва мадрасада таҳсил кўрган, шеърлар машқ қилган ва тиб илмини ҳам ўрганган. Ҳозиқ тахаллусини ҳам шу ерда олган. Мадрасани тугатгач, шу мадрасада имомлик қилган ва Амир Ҳайдар саройига яқинлашган. 1818-йилларда сарой аъёнлари билан келиша олмай, Қўқонга кетган. Қўқон хони Умархон уни яхши кутиб олган. Бу ерда ҳам хон атрофидаги сарой аҳли билан келиша олмай, 1825-йилда Бухорога қайтган, сўнг Хоразмга борган ва Мунис, Огаҳий бошчилигидаги адабий гуруҳ таъсирида бўлган. Мунис вафот этгач, Оллоқулихон (1825–1842) топшириғи билан Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарининг 1-жилди таржимасини ниҳоясига етказган. Сўнг яна Қўқонга қайтган.

Ҳозиқнинг ҳаёт йўлини тўлиқ ва мукаммал ёритиб берувчи аниқ тарихий манбалар сақланиб қолмаган. Бироқ Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон», Қори Раҳматулло Возеҳнинг «Туҳфат ул-аҳбоб фи тазкиратул-асҳоб», Садри Зиёнинг «Шуаройи мутааххирин ва фузалойи муосирин», Ҳашматнинг «Тазкират уш-шуаро» тазкиралари, шунингдек, Мирза Олим Тошкандийнинг «Ансобус-салотин ва таворихи хавоқин», «Мактуботи амир Ҳайдар». ҳамда Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахабут-таворих» асарларида шоир ҳаётига оид айрим маълумотлар баён этилган ва унинг шеърларидан намуналар келтирилган.

Ҳозиқнинг ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида ўзбек ҳамда тожик адабиётшунослигида С.Айний, А.Қаюмов, А.Мирзоев, Х.Мирзозода, Н.Маъсумий, Р.Ҳодизода каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ҳам муайян маълумотлар учрайди. Мазкур олимлар Ҳозиқнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони ҳамда лирик меросини юксак баҳолаб, уни XIX асрнинг биринчи ярмида фаолият кўрсатган энг истеъдодли шоирлардан бири

сифатида эътироф этганлар. Шунга қарамасдан, шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳанузгача ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этилмаган.

Манбаларда шоир ҳаётининг айрим босқичлари ҳақида бир-бирига зид фикрлар ҳам учрайди. Шу сабабли айрим тадқиқотчилар уни бухоролик, бошқалари эса балхлик, бадахшонлик ёки қандаҳорлик деб ҳисоблайди. Аммо кўпчилик манбаларда у «Ҳозиқи Ҳиравий» номи билан тилга олиниб, Ҳирот шаҳрининг Карх деб аталган ҳудудида таваллуд топгани қайд этилади. Шоир тиб илмини яхши билгани ва табобат билан ҳам шуғулланган учун ўзига Ҳозиқ, яъни табиб, деган тахаллусни танлаган. Шоир ҳатто бу соҳада асар ҳам ёзган.

Фазлий Намангоний ўзининг «Мажмуат уш-шуаро» тазкирасида Ҳозиқни алоҳида таърифу тавсиф билан тилга олади.

Жунайд он ҳакими билоди сухан,
Ки шаҳри Ҳирот аст ўро ватан.
Мудаққиқ ба таҳқиқи илму сифот,
Бувад ибни Исломшайхи Ҳирот.

Жунайд сўз мамлакатининг ҳакимидир. Унинг Ватани Ҳирот шаҳридир. Илм ва сифатларни аниқлашда жуда нозик ёндашади. У ҳиротлик Исломшайхнинг ўғлидир.

Фазлий тазкирасининг бошқа бир жойида қуйидагиларни ёзади:

Зи Ислом Шайх аст Мирзо Жунайд,
Зи итлоқ оварда худро ба қайд.
(Мирзо Жунайд Ислом Шайх фарзанди эди,
Озодликдан ўзини ўзи тузоққа туширди).
Хаёли баландаш бувад бехилоф,
Ки бошад ба фаҳм сухан бишгоф.
(Унинг баланд хаёлга экани хилофсиз эди,
У ўз фаҳми билан сўзни тешарди).

Ҳаким аст шоири писандида к-у,

Ҳиротист Ҳозиқ тахаллуси у.

(Ёқимли шоир бўлиб, табиб ҳам эди,

Ўзи Ҳиротдан бўлиб, тахаллуси Ҳозиқ эди).

Зи табъи закий нукта дорад басе,

Надонад варо ғайри Фазлий касе.

(Заковатли табъи кўп ҳикматга эга бўлиб,

Фазлийдан ўзга одам уни билмас эди.)

Зи гуфтори худ он фатонат сиришт,

Ҳамин як ғазалро ба туркий навишт.

(Доно қалбли у ўзининг сўзларидан,

Мана шу битта ғазални туркийча айтган эди).

Шундан кейин Фазлий:

Қўйди андоқ тахт уза ул подшаҳ бош узра тож,

Ким қуёш қўймиш фалак авжи уза бош узра тож.

матлаи билан бошланадиган етти байтли ғазалини келтириб ўтади [2].

«Воқеоти Исломий» асарида келтирилган маълумотларга кўра, шоирнинг бобоси асли Хоразм ўзбекларидан бўлган. У Хоразмдан Маймана вилоятига қарашли Ҳирот шаҳрининг Карх мавзеига кўчиб келади ва 50 ёшида шу ерда вафот этади. Шоирнинг отаси Исломшайх эса Кархда 1721 йилда таваллуд топган.

Рисолада таъкидланишича, Нодиршоҳ Афшор (1736–1747) Туркистон ҳудудини эгаллаб, турли ўлкалардан кўплаб кишиларни асир олиб, уларни Машҳад шаҳрига олиб келади. Ҳозиқнинг отаси Исломшайх ҳам Нодиршоҳ билан бирга Машҳадга бориб, маълум муддат унинг хизматида бўлади. Исломшайх мазкур шаҳарда тахминан 15 йил истиқомат қилади. Нодиршоҳ вафотидан сўнг турли вилоятлардан келтирилган кишилар ўз юртларига қайтиб кетадилар. Шу даврда Машҳадда Нодиршоҳ хизматида бўлган манғит жамоасининг кадхудоси Муҳаммад Раҳимхон Бухорий билан биргаликда кўплаб кишилар Бухорога қайтиб келадилар. Шоирнинг отаси Исломшайх

ҳам ўз ватанига эмас, балки Муҳаммад Раҳимхон билан бирга Бухорога келади [6;205-206].

Муҳаммад Раҳимхон Абулфайзхонни қатл эттириб, Бухоро тахтини эгаллаганидан кейин Исломшайх дастлаб ясовулбоши, кейинчалик эса юзбоши лавозимларида хизмат қилади. Кейинчалик Бухоро тахтини Шоҳмуродхон (1785–1800) эгаллаган даврда ҳам Исломшайх Бухорода яшаб, фаолият юритган. Бу даврда у замонасининг етук олими, нақшбандий шайх ва донишманд шахсларидан бири сифатида катта обрў-эътибор қозонган эди. Унинг ҳузурида олимлар, уламолар, руҳонийлар ҳамда мансабдор бой-бадавлат кишилар ҳам катта ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишган.

«Воқеоти Исломий»да баён қилинган маълумотларга кўра, Исломшайхнинг обрў-эътибори ва нуфузининг ортиб бориши баъзи кишиларда ҳасад ва адоват уйғотган. Хусусан, Шоҳмуродхоннинг яқин одамларидан бири – Шайх Сафар уни хонга ёмонлаб, гўёки тожу тахтни эгаллаш ниятида бўлган хавфли шахс сифатида тавсифлайди. XIX аср шоири Абдуллоҳнинг «Исломия» достонидаги маълумотлар ҳам мазкур воқеанинг муайян даражада ҳақиқатга яқинлигини тасдиқлайди. Шу сабабли Шоҳмуродхон Исломшайхни Бухородан бутунлай чиқариб юборишга қарор қилади. Исломшайх эса хонга мурожаат қилиб, унинг иғвогарлар гапига ишонганини, давлат ва ҳокимиятга интилиш ҳатто хаёлига ҳам келмаганини изҳор этади.

Гарчи Шоҳмуродхон кейинчалик ўз қароридан қайтиб, Исломшайхга нисбатан эҳтиромини билдирган ва ҳатто унга мурид бўлишга тайёр эканлигини маълум қилган бўлса-да, Исломшайх Бухорони тарк этишга қарор қилади. У Ҳирот томон йўл олиб, маълум муддат Қарши ва Ғузорда, кейинчалик Ҳирот яқинидаги Андхў номли жойда ҳамда Майманада яшайди. Шундан сўнг у яна Кархга қайтиб келиб, шу ерда истиқомат қилади.

Бу даврда Қобул тахтини эгаллаган Темуршоҳ Дурроний Исломшайхнинг фазилат ва илм-маърифатини эътиборга олиб, уни ўз ҳузурига – Қобулга таклиф этади. Исломшайх бир неча йил шу ерда

яшаганидан сўнг ҳаётининг сўнгги йилларини яна Кархда ўтказади. У 1805 йилда, 84 ёшида вафот этади. Исломшайхнинг жасади ўзи яшаган ҳовли боғига дафн қилинган.

Манбаларда қайд этилишича, Исломшайхнинг бир неча фарзанди бўлган. Улардан бири – Жунайдулло Ҳозиқнинг акаси Аловуддин – етти ёшиданоқ шеър машқ қила бошлаган, истеъдодли йигит бўлган. Бироқ у узоқ умр кўрмай, 16 ёшида вафот этган.

Ҳозиқнинг туғилган йили ва болалик даври ҳақида юқорида тилга олинган манбаларда аниқ маълумотлар учрамайди. Шоирнинг таваллуд санасини фақат тахминан белгилаш мумкин.

«Доиратул-маориф»да Жунайдулло Ҳозиқ 1216/1801 йилдан кейин Бухорога келгани қайд этилган. Шунингдек, «Мактуботи амир Ҳайдар» асарида келтирилган бир иноятномада Олий мадраса талабаси мулло Жунайдулло ибн Исломшайх ва яна бир неча кишига 1218 йил муҳаррам ойидан (1803 йил) бошлаб бир ашрафий миқдорида маош тайинлангани ҳақида маълумот берилган. Ушбу икки далилга таянилганда, Жунайдулло Ҳозиқ тахминан XVIII асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида таваллуд топган, деган хулосага келиш мумкин. Чунки одатда мадрасаларда таҳсил 14–15 ёшдан бошланган [3;274].

Айрим тадқиқотчилар Ҳозиқни Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврида, тахминан 25–26 ёшларида Ҳиротдан Бухорога келган ва шундан кейин Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларида яшаб ижод қилган, деб ҳисоблайдилар. Бироқ Ҳозиқ ўзининг юқорида тилга олинган рисоласида 22 ёшида Қўқонда нақшбандий шайхи Халифа Атоуллоҳдан араб тилининг сарф ва наҳв қоидалари бўйича сабоқ олганини, шу даврдан бошлаб араб тилини унинг раҳнамолигида жуда мукаммал ўзлаштирганини маълум қилади. Олимларнинг тахминича, Ҳозиқ нақшбандия вазифаларини ва иршод хатини ҳам шу зотдан олган бўлиши мумкин.

Отаси Ҳирот ёки Қобулда истиқомат қилаётган даврларда Ҳозиқ Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Илмга чанқоқ ва зеҳни ўткир бўлган ёш

толиби илм тез орада олимлар орасида танила бошлайди. Шу сабабли амир Ҳайдар ўз фармонлари орқали «мадраса толибул-илми мулло Жунайдулло Маҳмуд»га алоҳида эътибор қаратади. Амирнинг Ҳозиққа моддий ёрдам кўрсатиб туришига, бир томондан, унинг отаси Исломшайхнинг Бухорода узоқ вақт яшагани ва халқ орасида юксак обрў-эътиборга эга бўлгани сабаб бўлган.

Ҳозиқ Бухоро мадрасасини тугатгач, маълум муддат ўзи таълим олган мадрасада имомлик вазифасини бажаради ва амир Ҳайдар саройига яқин бўлган муҳитда яшайди. Амирнинг шоирга нисбатан бундай муносабати, бир томондан, Ҳозиқ авлодининг бу юртдаги нуфузи билан изоҳланса, иккинчи томондан, уни ўз атрофида тутиб, обрўси ва истеъдодидан давлат манфаатлари йўлида фойдаланиш нияти билан боғлиқ эди.

Бироқ Ҳозиқ амир кутганидек маддоҳ шоирлардан бўлиб чиқмади. Ростгўй ва ҳақиқатпарвар шоир амирни мадҳ этиш ўрнига, ўз шеърларида жоҳиллик, зулм, қонхўрлик, хушомадгўйлик ва лаганбардорлик каби иллатларни кескин танқид қилди. У адолат, ростгўйлик ва ҳаққонийликни улуғлаб, инсон қадрини ҳимоя қилди. Шу сабабли амир Ҳайдарнинг шоирга бўлган муносабати аста-секин ўзгара бошлайди.

Натижада Ҳозиқ Бухорони тарк этишга мажбур бўлади. Унинг Бухородан Қўқонга кетган йили аниқ эмас, аммо бу воқеа тахминан 1809–1810 йилларга, яъни Умархон ҳокимият тепасига келган даврга тўғри келади.

Қўқонга келган шоир тезда Умархоннинг адабий муҳитига, саройдаги шеърият баҳсларига қўшилиб кетади. Амир шеърларига назиралар битади. Айрим ўринларда муболаға билан юксак мадҳ этади. Ҳукмдорни сўз санъати соҳасида буюк шоирлар – Алишер Навоий, Низомий Ганжавий ва Абдураҳмон Жомий каби алломалар билан тенг, ҳатто улардан ҳам устун деб таърифлайди. Бироқ тадқиқотчилар бу каби мадҳлар муайян даражада муболағали эканини таъкидлайдилар.

Умархон адабиёт ва санъатни қадрлайдиган ҳукмдорлардан бўлгани учун Ҳозиқни ҳурмат билан қабул қилади ва ижодий камолотига эътибор

қаратади. Шоир бу илтифотдан миннатдор бўлиб, Умархон шарафига бир асар ёзишга қарор қилади. Шу мақсадда у Абдураҳмон Жомий ва Нозимий Ҳиравий яратган «Юсуф ва Зулайхо» достонларига эргашиб, шу номдаги маснавий асарини ёзишга киришади.

Маълумки, Ҳозиқ шеъриятда кўр-кўрона тақлидни маъқул кўрмасди. Унинг фикрича, ҳақиқий шоир ўз истеъдоди ва илҳомига таяниб ижод қилиши, бошқаларга сўзсиз эргашишдан сақланиши лозим.

Қўқон адабий муҳитида баъзи муваффақиятлар кўзга ташланса-да, фитна ва низолар ҳам авж олган эди. Бундай муҳит охир-оқибат шоирда норозилик кайфиятини уйғотади. Натижада ҳақиқатгўй шоир баъзан танқидий сўз ва мисралар битади. Ҳозиқ шундан кейин тахминан 1829–1830 йилларда Хоразмга бориб фаолият юритади.

Шоирнинг Қўқон, Бухоро ва Хоразмдаги ҳаёти ҳақида халқ орасида турли ривоятлар ҳам тарқалган. Бу ривоятларда унинг ростгўйлиги, ҳатто ҳукмдорлардан ҳам ҳақиқатни яширмаслиги алоҳида таъкидланади. Масалан, бир ривоятда айтилишича, Хоразм хони янги ҳаммом қурдириб, бу воқеани катта маросим билан нишонлайди. Сарой маддоҳлари уни осмонга кўтариб мақтайдилар. Хоннинг таклифи билан Ҳозиқ ҳам ҳаммомни бориб кўради. Сўнгра у ўз фикрини очиқ айтиб, ҳаммом яхши, аммо унга тушган киши чироқ, оёқ кийими, иссиқ тўн ва Қуръони карим олиб кириши керак, дейди. Чироқ – ҳаммомни ёритишга, оёқ кийими – йиқилиб кетмасликка, иссиқ тўн – совуқдан сақланишга, Қуръони карим эса у ерга иккинчи марта тушмасликка қасам ичиш учун керак бўлади, деб изоҳлайди.

Ҳозиқ Хоразмда ҳам узоқ турмайди. Айрим маълумотларга кўра, у 1830 йиллар охирида яна Бухорода яшаган. Ҳакимхон тўранинг хотиротларида айтилишича, у узоқ саёҳатлардан кейин Бухорога қайтиб келганида, Султонхонтўра Адонинг уйида Ҳозиқ билан учрашган.

Кейинчалик Ҳозиқ амир Насрулло билан маълум муддат яқин муносабатда бўлган кўринади. Аммо шоир унинг ваъдаларининг бажарилмаганини ҳам очиқ айтган.

Ҳакимжон Тўранинг «Мунтахабут-таворих» маълумотига кўра, 1841 йилда Ҳозиқ Шаҳрисабзга келади, кейин эса Қўқонга йўл олади. Бу даврда Бухоро ва Қўқон ҳукмдорлари ўртасидаги зиддият ниҳоятда кучайган эди.

1842 йилда амир Насрулло катта қўшин билан Қўқонга ҳужум қилиб, даҳшатли қирғинлар содир этади. Кўплаб бегуноҳ одамлар ҳалок бўлади, шаҳар талон-торож қилинади, хон авлодлари ўлдирилади. Жумладан Маъдалихон ва унинг онаси машҳур шоира Нодирабегимни ваҳшиёна қатл этилади.

Қўқондан амир Насрулло кўплаб асирлар билан бирга Бухорога қайтади. Улар орасида Ҳозиқ ҳам бор эди. Бу даҳшатли воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлган шоир амир Насруллога нисбатан қаттиқ ғазаб ва нафрат ҳиссига тўлади.

Амир ўз ўрдасига яқинлашганда шоир Ҳозиқдан бу ғалабали юриши ҳақида сўраб, унинг шарафига бир байт айтишини буюради. Ҳозиқ эса унинг зулмини фош этувчи мазмундаги ушбу байтни ўқийди.

Буриди бар қади худ аз маломат,
Либосе то ба домони қиёмат.

Яъни *“Ўз қадингга маломатлардан шундай бир либос тикиб кийдингки, у либос устингда то қиёматгача қолади”.*

Ҳозиқнинг ушбу битиги халқ ўртасида ҳам машҳур бўлиб кетади. Манбаларнинг хабар беришича, бу байтни эшитиб, амирнинг жуда жаҳли чиқиб, рангида қатра қон қолмайди. То ўрдасига киргунича сўзламайди.

Амирнинг жаҳолатпарастлигини билган Ҳозиқ дўстларининг таклифига кўра, Шаҳрисабзга кетишга мажбур бўлади. Бу пайтда Шаҳрисабз, гарчи амирликка қарашли ҳудуд бўлса-да, ўлка беклари амир Насруллонинг мухолифи сифатида сиёсат майдонига чиққандилар. Ҳозиқ Шаҳрисабз ҳокими Хўжақул парвоначи паноҳида яшай бошлайди.

Дастлаб Амир Насрулло ҳийла ишлатиб, Ҳозиқнинг Бухорода қолган ўғли Мирза Муҳташамдан ва яқин биродарларидан хат бериб, шоирни саройга «лутфан» таклиф қилади. Ҳозиқ табиатан қасоскор ва шафқатсиз

амир унинг гуноҳидан кечмаслигини биларди. Шу боис, у ўғли орқали бироз узрхоҳлик, бироз киноя йўғрилган навбатдаги байтни битиб юборади:

Чун ҳузурам сабаби ранжиши табъат гардад,

Мегурезам, ки малулат накунам бори дигар.

(Менинг сенинг ҳузурингда бўлишим, табъингни хира бўлишига сабаб бўлади. Яна бир бор сени ранжитиб қўймаслигим учун қочиб юрибман),

Ҳозиқнинг жавобини ўқиб, амирнинг баттар жазаваси тутади.

Ҳакимхон тўра «Мунтахаб-ут-таворих» асарида «Душабой ва унга қўшилган учта каллакесар ўғрилар вақтни ғанимат билиб, саҳар вақтида шанба эртаси Шаҳрисабзга келиб, уйнинг эшигини синдириб, мавлоно Ҳозиқ ётган жойга бостириб кирдилар», дея воқеа тафсилотини ёзади. Шу тариқа тўрттала ўғри Ҳозиқнинг азиз бошини танасидан жудо қилиб, Бухоро амирига олиб кетади. Айрим манбаларда ўғрилар шоирни бошидан жудо қилган пайтда амир Қаршида бўлган ва шоирнинг кесилган боши Қаршида амирга элтиб берилган, дейилади.

Машъум воқеадан огоҳ бўлган Хўжақули парвоначи, Ҳожи Ҳакимхон тўралар аҳли оломон билан марҳумни Китоб беклигининг Охунд мозорига дафн этишади.

Тарихчи Мушриф қаламига мансуб «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» асарида ҳам Ҳозиқнинг ўлими батафсил баён қилинган.

Мушрифнинг ёзишича, Амир Насрулло Қўқондан қайтишида, Бухорога яқинлашиб қолгач, Ҳозиқдан эришилган ғалаба шарафига шеър айтишни сўрайди. Ҳозиқ ҳамон рўй берган фожиалар таъсирида эди. У беихтиёр амирга қараб туриб, юқоридаги келтирилган машҳур байтни ўқийди.

Бу байтни эшитиб, амирнинг ғазаби қайнаб тошади. Ранги оқариб кетади. То шаҳарга етиб, аркка киргунча ҳеч ким билан сўзлашмайди. Албатта шоҳга тик боқиб, бундай ўткир сўзларни айтиш ҳар қандай шоирнинг қўлидан келавермайди. Бунинг учун жуда катта юрак, жасорат дадиллик керак. Чамаси, шоир бу байтдан сўнг амир уни тирик қўймаслигин билган, ҳатто ўлимни бўйнига олиб туриб, юқоридаги байтни айтгандир?

Аммо негадир амир интиқом олишни кечиктиради. Назаримизда, Ҳозиқнинг отаси жуда нуфузли шахс, муршид бўлгани ва унинг ўзи ҳам халқ орасида машҳур бўлгани учун амир дарҳол қасос олишдан истиҳола қилганга ўхшайди.

Бундай фойдаланган Ҳозиқ Бухорога қайтгач, ўша куни кечқурун Шахрисабзга қочиб кетади.

Маълумки, ўша пайтда Шаҳрисабз ярим мустақил тарзда кенагас беклари томонидан идора қилинарди. Шаҳрисабз ҳукмдорлари амирга бўйсунмай қўйишганди. Амир Насрулло бир неча бор Шаҳрисабзга қўшин тортиб, уни ололмай қайтганди. Одатда, Қўқон ёки Бухоро ҳукмдорлари саройидан қочганларнинг кўпи ҳар икки мамлакатга тобе бўлмаган Шаҳрисабздан паноҳ топишарди. Ҳозиқ ҳам худди шу йўлни танлаганди. Қолаверса, ўша пайтларда шоирнинг яқин дўсти, тарихчи ва шоир, Қўқон шаҳзодаларидан бири бўлган Ҳакимхон тўра Шаҳрисабзда истиқомат қиларди.

Шоирни Шаҳрисабз ҳокими Хўжақулбий ўз паноҳига олади. Шаҳарда унга алоҳида ҳовли-жой ажратилади, унинг ҳовлисини қўриқлаш учун махсус соқчилар бириктирилади. Ҳакимхон тўра ҳам унга ҳар тарафлама ёрдам беради.

Амир Насруллонинг вазири Раҳмонберди Махдум амирга «зиндонда ётган уч-тўртта каллакесарни чиқариб, катта пул ваъда қилиб, Ҳозиқнинг бошини келтиришни буюрсангиз» дея маслаҳат беради. Амир унинг айтганидек йўл тутади.Амир Насруллоҳ Душабой деган ўғрини зиндондан озод қилиб, унга Ҳозиқни ўлдириш вазифасини юклайди. Душабой уч нафар шериги билан Шаҳрисабзга бориб, миршаблар қўриқлаётган Ҳозиқнинг уйига ярим кечаси яширин йўл билан кириб боради. Ухлаб ётган Ҳозиқнинг бошини танидан жудо қилиб, ўзлари билан олиб кетишиб, амирга топширишади. Бу машъум воқеа 1843 йилнинг 13 ёки 14 январь куни юз берганди.

Шоирнинг жанозаси эртаси куни Кўк Гумбазда ўқилади. Дафн маросимида унинг яқин дўсти Ҳакимхон тўра мавлононинг шаҳид кетганини айтиб, унга аталган марсияни ўқиганда ҳамма уввос солиб йиғлайди. Мавлононинг бошсиз жасадини Мулло Охунд қабристонига дафн қиладилар.

Маълумотларга кўра, шоирнинг қабри ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳри шарқида жойлашган. Айтилишича, у вафотидан олдин ўз қатлининг санасига ишора қилувчи байт ҳам айтган.

Кори ҳар кас нест аз таърихи қатлаш дам задан,

Аз «тани Ҳозиқ» бичўй таърихи сар бурриданаш.

Ўзининг қатл этилиш таърихидан гапириш ҳар кимнинг ҳам иши эмас, «*Ҳозиқнинг танасидан*» *унинг боши кесилган санасини изла***.**

Ҳозиқнинг фожиали ўлими замондошлари ва мухлисларини чуқур қайғуга солган. Шаҳрисабзлик шоир Фараҳ унинг вафоти муносабати билан таърих-марсия ёзиб, унда Ҳозиқнинг ўлим тарихидан огоҳ этган.

Шунидам, ҳотифи ҳикмат саранҷом,

Ба гўшам қатли Ҳозиқ дод пайғом.

Фараҳ аз баҳри таърихаш рақам зад:

«Ҷунайдуллоҳ ибн Шайхулислом».

Ҳотифдан ишончли бир ҳикмат (илҳом) эшитдим.

У қулоғимга Ҳозиқнинг қатли ҳақида хабар берди.

Қувонч билан унинг тарихи учун рақам (таърих) айтди:

«*Ҷунайдуллоҳ ибн Шайхулислом*» *деб.*

Демак, «Ҷунайдуллоҳ ибн Шайхулислом» жумласи абжад ҳисоби билан шоирнинг ўлим санасига, яъни ҳижрий 1259, милодий 1843–1844 йилларга тўғри келади.

Шундай қилиб, ўзбек адабиётида муносиб из қолдирган Ҳозиқ, Бухоро амирининг шахсий адовати туфайли кексалигида фожиали ўлим топади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Амирқулов С. Жунайдулло Ҳозиқ ва унинг «Юсуф ва Зулайхо» достони. – Душанбе, 1967.

2. Намангоний, Фазлий. Мажмуайи шоирон. (Таржимон Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент, 2018.

3. Ҳодизода Р., Каримов У., Саъдиев С. “Адабиёти тоҷик” асрҳои XV1 – X1X ва ибтидои асри XX. – Душанбе: Маориф, 1974.

4. Шодиев Э. Ҳозиқ куллиёти //Ўзбек тили ва адабиёти, 1971. – № 2.

5. Шодиев Э. Ҳозиқ ҳақида янги маълумотлар //Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. – № 1.

6. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 4- том. – Тошкент, Фан, 1978. – Б. 204–215.

7. Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1949 йил 8 июнь.

8. Қаюмов А. Ҳозиқ. – Тошкент, 1957.

9. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. – Тошкент, 1961

10. Ҷунайдуллоҳи Ҳозиқ. Юсуф ва Зулайхо. Таҳияи матн, шарҳи луғоту тавзеҳот ва муқаддимаи Шамсиддини Нуриддин ва Дилоро Валисова. – Душанеб: МН «Дониш», 2023. – 310 с.